

Afsuslanarli joyi shundaki “bilmayman” deyishning o‘rniga o‘zlaricha javob beradilar

21:36 / 27.04.2016 3405

Ислом уммати бири-бирига устоз, бири-бирига шогирд бўлиб келган. Илм ўргатиш ва ўрганиш мусулмонларни бошқалардан ажратиб турувчи асосий фазилатларидан бўлган. Ҳар бир мусулмон ўзи билган нарсани бошқага бировга ўргатишни муқаддас бурчи, деб билган. Лекин орамизда шундай инсонлар ҳам борки, улар сўралаётган масаланинг шаръий ҳукмини билмайдилар ёки билсалар ҳам қониқарли жавоб беришга ожизлик қиладилар. Афсусланарли жойи шундаки “билмайман” дейишнинг ўрнига ўзларича жавоб берадилар ва кўп ҳолларда бу мусулмонларнинг адашувига сабаб бўлади.

Билмаган нарсани гапиришниг ўзи залолат, адашув улкан гуноҳдур. Шариат ҳукмини билмасдан туриб бошқа бир кишига нотўғри нарсани шу шариат ҳукми деб айтиш эса умуан тенги йўқ залолатдур, тенги йўқ адашувдур тенги йўқ улкан гуноҳдур. Чунки шариатдан бошқа ишларда билмасдан гапириб йўл қўйилган хато туфайли бу дунёнинг баъзи-биро ишларига зарар етиши мумкин. Шариатда жоҳиллик билан гапиришда эса ҳам бу дунё ҳам оҳират куяди. Чунки шариат масаласи ҳалол-харом, савоб-гуноҳ, жаннат-дўзах орасида айланадиган масаладур. Бу ишда билмасдан фатво бериш, фатво берувчининг ўзини залолатга кетказди, шу билан бирга илмсиз равишда фатво берган одам ўзгаларни ҳам залолатга кетказди. Унинг хато фатвоси ҳамма ерни бузади, одамлар фалончига айтди деб униг гапини бир-бирларига айтадилар, ўзаро тарқаладилар, ва натажада залолат кенг ёйилиб кетади. Энди ушбу ҳадисдан шарифдан олинадиган фойдаларни қисқача эслаб ўтайлик, 1 фойда “Аллоҳ таоло шаръий илмни одамлар ичидан суғуриб олмаслигини билиб олишимиз”, 2 “уламоларнинг ўлими илмни йўқолишига сабабчи бўлиши”, 3 “жоҳил одамларни бошлиқ қилиб олмаслик” 4 “билмасдан туриб шаръий ишларда фатво бериш керак эмаслиги” 5 “жоҳил кишиларни бошлиқ қилиб олганда залолат тарқалиши”,